



ЎЗБЕКСТОН

ЎЗБЕКISTОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 18 июн, шанба № 96 (1937)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида

Самарқанд шаҳрида 1997 йилдан бундан буён ўтказиб келинаётган аънанавий «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали қисқа муддатда жаҳондаги нуфузли мусиқа анжуманлари каторидан муносиб ўрин эгаллади.

Асосий госяи инсонларни гўзаллик, нафосат ва эзуликка даъват этиш, дунё халқларининг ноёб мусиқий мероси ва аънаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантиришдан иборат бўлган «Шарқ тароналари» мусиқа фестивали тили, маданияти, миллий қадриятлари ранг-баранг бўлган турли миллат ва элларни санъат воситасида муштарак мақсадлар йўлида яқинлаштиришга, Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътибори орттиришга хизмат қилаётганини қайд этиш зарур.

Айниқса, бугунги нотинч ва тахликали замонда ёвузлик ва жаҳолатнинг ҳар қандай кўринишларига қарши маърифат асосида курашиш, халқимиз маънавияти, унинг кўп асрлик мусиқа хазинасини бойитишда мазкур фестивалнинг роли ва аҳамияти янада кучайиб бормоқда.

Шу муносабат билан 2005 йилнинг 25-30 август кунлари Самарқанд шаҳридаги Регистон майдонида бўлиб ўтадиган «Шарқ тароналари» 5-халқаро мусиқа фестивалини юксак гоъвий-бадий даражада, уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида:

1. «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби 1-иловага, фестивалнинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари учун бадий дастурлар яратиш бўйича ихобий гуруҳ таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Ташкилий қўмита ўн кун муддатда фестивалга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш режасини, анжуманинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ бошқа тадбирларнинг бадий сценарийларини ишлаб чиқсин.
3. Фестивалга тайёргарлик кўриш ва бадий дастурларнинг сценарийларини ишлаб чиқишда қўйиладиган алоҳида эътибор қаратилсин:
 - Шарқ мусиқиси - Шарқ цивилизацияси ва маданиятининг узвий бир қисми, инсоният тафаккурининг бебаҳо хазинаси эканини, унинг аҳамияти ва ҳоқиятини акс эттириш;
 - турли миллат ва элларни мусиқа санъати воситасида ўзаро яқинлаштириш гоъсини бадий талқин этиш;
 - халқлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик ва ҳамкорликни, чин инсоний фазилатларни улуғлаш;
 - юртимизнинг, жумладан, Самарқанд шаҳрининг жаҳон тарихида тутган ўрни ва аҳамияти, умумбашарий маданият ривожига қўшган улкан ҳиссасини, бой мусиқий меросинини кенг намойиш этиш;
 - ёш авлод қалбига санъатга бўлган меҳр ва илҳос туйғуларини камол топтириш;
 - мумотоз шарқ мусиқа санъати инсонларни гуманизм ва эзулик руҳида тарбиялашда, жаҳолатга қарши маърифат билан курашда таъсирчан восита бўлиб хизмат қилишини ёрқин ифода этиш.
4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатлари мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.
5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Бош вазир Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2005 йил 15 июн

ЯНГИ ТУРДАГИ КОМПРЕССОРЛАР

Пойтахтимиздаги «Компрессор» акциядорлик жамиятида янги турдаги электрон компрессорлар ишлаб чиқариш йўлига қўйилди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу ускунанинг сифати юқори ва унга талаб катта.

Марказий Осиё минтақасида янгона ҳисобланган мазкур корхона негизда хорижий сармоюдорлар ҳамкорлигида ташкил этилган «Осиё

Компрессор-Фильтр» ҳамда «RFN-Kompressor-Filter» кўшма корхоналарида автомобильлар учун қирқдан ортиқ турдаги филтёрлар ҳам тайёрланадиган.

Мамлакатимиз ички бозоридан муносиб ўрин эгаллаётган ушбу маҳсулотлар чет элдан келтириладиган турли русумдаги автомобиль филтёрлари ўзининг босиш билан бирга, анчагина валюта тежаш имконини ҳам беради.

(ЎЗА)

ЯГОНА МЕЗОН - ЎЗБЕКISTОН МАНФААТИ ВА ЯНА БИР БОР ЎЗБЕКISTОН МАНФААТИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов шу йил 16-17 июн кунлари ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши билан танишиш мақсадида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида сафарда бўлди

ВАТАН ОСТОНАДАН БОШЛАНАДИ

Юртбошимизнинг мазкур ташрифи давомида асосий эътибор мамлакатимизнинг тинчлиги ва осойишталигини мустаҳкамлаш, жанубий сарҳадларимизнинг дахлсизлигини таъминлаш масаласига қаратилди. Бугунги мураккаб ва тахликали замонда халқаро майдонда тинчлик ва барқарорликка нисбатан турли таҳдидлар кучайиб бораётган бир пайтда бу масаланинг ўта долзарб аҳамият касб этиши барчага аён, албатта.

Агар Марказий Осиё минтақаси, хусусан, Ўзбекистон геостратегик маъноси билан жаҳондаги кўплаб катта-кичик давлатлар ва сиёсий кучларнинг эътибори ва қизиқишини ўзига тортиб келаётганини инобатга оладиган бўлсак, бу масаланинг моҳияти янада ойдинлашади.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Термиз шаҳри ва Сароисиё туманида бўлиб, Афғонистон ва Тожикистон билан туташ ҳудудларимиздаги бугунги ҳолат билан танишиш, бу ерда хизмат қилаётган ватан посдонлари, чегарачи ҳамда боғжона хизматчилари билан учрашувлар ўтказди.

Бўлиб ўтган сўхбатлар чоғида Президент Ислон Каримов Андижон воқеалари ҳақида яна бир бор фикр билдириб, ана шу фожианинг сабаб ва оқибатлари ҳамда ундан келиб чиқадиган сабаб ва ҳулосалар тўғрисида атрафлича тўхтади.

Маълумки, Юртбошимиз 14 май куни Тошкент шаҳрида ўтказилган матбуот конференциясида Киргизистон мисолида бирор-бир давлат ёки ҳудуддаги нотинч вазият, қарама-қаршилик, фуқаролар уруши ёки барқарорликнинг бузилиши билан боғлиқ ҳодисалар ҳеч қачон шу ҳудуд чегарасида узоқ вақт сақланиб қолмаслиги, уларнинг эртами-кечми чегаралардан ошиб, қўшни давлатлар ҳудудига тарқалиб кетиши муқаррар экани ҳақида ташвиш ва изтироб билан гапирган эди.

Шу ўринда айтиш керакки, Андижон шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракатлари Ўзбекистон ҳаётида тасодифан бўлган воқеа эмаслиги вақт ўтган сари тобора аён бўлмоқда. Олиб борилаётган дастлабки тергов ишлари натижада бу маъшум сиёсий фитагна олдидан пухта тайёргарлик кўрилгани, уни амалга ошириш билан боғлиқ қабил ражолар қачон ва қаерларда ишлаб чиқилгани, ким-

лар бу ҳаракатнинг ташкилотчиси эканини кўрсатадиган далил ва маълумотлар қўлга киритилмоқда.

Сурхондарё вилоятида жойлашган ҳарбий қисм аскарлари ва офицерлари билан бўлиб ўтган сўхбат чоғида давлатимиз раҳбари бир ҳолатга эътибор қаратди. Яъни, Андижондаги жиноий ҳаракатларнинг иштирокчилари - уларнинг номи «хизб-ут-таҳрир»чи ёки «акромий» бўладими, бундан қатъи назар, бу ғаламис қимсаларнинг кирдикорлари халқимиз, жамоатчилигимиз учун янгилик эмас. Уларнинг ёвуз ният ва уришишлари нимага қаратилгани ҳам биз учун сир эмас. Биз бундай бузғунчи тўдаларнинг мақсадларини 1991 йилдан бошлаб дастлаб Наманганда, кейинчалик 1999 йил феврал воқеаларида, 2000 йилда Янгибод, Сароисиё, Узун ва Бурчмуллада, 2004 йилда Ромитан тумани ва Тошкент шаҳрида амалга оширилган кўпурвчиликлар мисолида кўрган эдик.

Аслида бу разил кучларнинг номи ҳар хил, лекин мақсади бир, деб таъкидлади Ислон Каримов. Содда одамларни ёлгон ваъдалар билан лақиллатиш, юртимиздаги конституциявий тузумни, қонуний ҳукуматни зўрлик билан ағдартишга уриниш, тинч-осойишта ҳаётни издан чиқариш, шу тариқа Ўзбекистонни ўз танлаган тараққиёт йўлидан қайтариш, мамлакатимизнинг мустакил сиёсат олиб бориш ҳақидаги йўл бермаслик ва охири-оқибатда ўзига қарам қилиб, унинг ноёб бойликлари, ер ости захира-ларига эгаллик қилиш - мана уларнинг асл нияти. Шу йўл билан улар ўзларининг узоқ ва давомли геостратегик режаларини амалга оширмоқчи.

Андижонда содир этилган фожиа иштирокчилари ақлини йўқотган, халқнинг тинч ҳаётини кўролмайдиган қора кучлар экани фош бўлмоқда. Лекин бугунги вазиятнинг хавфли томони шундаки, бу террорчи тўдаларнинг ортида улардан ўз манфаати йўлида фойдаланишни кўзлаган, катта маблағ ва таъсирга эга сиёсий кучлар турганини тушуниш қийин эмас.

Ҳеч шубҳасиз, бундай кирдикорлар эртами-кечми барибир очилди, ammo одамларимиз ўз фикри, ақл-заковатига таяниб, Андижонда рўй берган воқеалар атрафида айрим хорижий мамлакатларда баъзи оммавий ахборот воситаларида кўтарилаётган шов-шув ва уйдирмалар кимнинг манфаати хизмат қилишини атраф олишини истардим, деди Ислон Каримов.

«ДЕМОКРАТИЯ - ХАЛҚ ХОҲИШ-ИРОДАСИНING ХУКМОНЛИГИ...»

Қашқадарё вилояти ҳоқимлиги биносида воҳа фаоллари ва жамоатчилиги билан бўлиб ўтган учрашувда Президент жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этиш билан боғлиқ стратегик мақсадлар ҳақида атрафлича сўз юритди.

Биз Ўзбекистонда демократик жамият барпо этиш йўлида муштарак қилишимизнинг биринчи кунларида бошлаб меҳнат қилиб келмоқдамиз. Биз демократияни кимгадир ёқиб, кимгадир ҳисоб бериш учун эмас, балки у бизнинг пировард мақсадларимизга жавоб бергани, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омил бўлгани учун қурмоқдамиз.

Лекин демократияни кўр-кўрога кўчириб, бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга экспорт қилиб бўлмайди. У ҳар қайси халқнинг минг йиллик аънаналари, миллий қадриятлари ва замонавий дунёқараши негизда табиий равишда вуҷудга келиши лозим. Тарих ва ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатадики, демократия ҳар қандай жамият босқичи-босқич эришган тақдирдагина у самара бериши мумкин.

Демократия - бу халқ хоҳиш-иродасининг ҳукмронлигидир, деб таъкидлади Ислон Каримов. Шу боис ҳам бугун мамлакатимизда олиб борилаётган давлат сиёсатининг атрафлиги, мезони битта - у ҳам бўлса, Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаати.

«БИЗЛАР ИШЛАЯМИЗ, БУ МЕҲНАТ, ХОЛОС...»

Бугун бепойён Ўзбекистоннинг қайси вилоят, шаҳар ёки туманига борманг, ҳамма жойда одамлар кизгин меҳнат билан банд эканини кўрасиз. Айниқса, захматкаш деҳқонларнинг қўли-қўлига тегмайди. Қишлоқда иш қайнаб ётибди. Бир томонда - пилла терими якунига етаётган бўлса, бир томонда - галла ўрими жадал давом этмоқда, янашши далаларда эса гўза парварши авжида.

Айрим кўшилларимиз митинг-бозлик, идораларнинг навбатлар - навбат босиб олиш, мулк жанжаллари билан овора бўлган бир пайтда юр-

тимизнинг фидойи инсонлари, қирқ даража иссиққа қарамасдан, ўз вазифаси, меҳнат бурчини тинчлик-хотиржамлик билан адо этмоқда.

Ислон Каримов ҳар икки вилоятда ишининг кўзини биладиган, тажрибали, кўпни кўрган деҳқонлар билан сўхбатда бўлиб, уларнинг меҳнати, ўй-кечинмалари, ҳаётий режалари билан қизиқди.

Бошда давлат раҳбарининг бироз салобати босиб турган пахтакор ва галлакорлар Юртбошиминг содда, самимий, расмиятчиликдан холи муомаласидан сўнг очилиб кетиб, чин дилдан гурунг қилишди. Сароисиё туманидаги Г.Хидиров ва Й.Охунбоев номидаги, Қарши туманидаги «Бешкент» ширкат хўжалиқларида пудратчилар билан бўлган сўхбатлар чоғида ҳам асосан гап қишлоқдаги бугунги ҳаёт ҳақида борди.

Қишлоқда деҳқончилик маданиятини янада юксалтириш, ер унумдорлигини ва деҳқонларнинг даромадини ошириш, қишлоқ хўжалиги ҳодимлари меҳнатини рағбатлантириш, уларга тегишли шaroит яратиш бериш, янги иш ўринларини яратиш, ишни тўри ва самарали ташкил этиш билан боғлиқ муаммолар ҳақида фикр алмашилди.

Яқин-яқингача ҳар гектар ердан 40-50 центнер галла ҳосили кўтариш ўзига хос рекорд ҳисобланган эди. Эндликда илгор фермерлар, пудратчилар учун 70-75 центнер ҳосил олиш оддий ҳолга айланиб, Қашқадарё ва Сурхондарёда ҳам бундай хўжалик ва фермерлар сафи кенгайиб бораётгани ҳар қандай одамни албатта қувонтиради.


Бугунги кунда фермерлик қишлоқ хўжалигини юретишнинг бошқа усулларидан афзал ва устун эканини деҳқонларимиз ҳам, соҳа мутахассислари ҳам ҳар томонлама тушуниб, эътироф этмоқда, деди Ислон Каримов. Лекин асосий гап - ҳаракатни тўғри йўлга қўйишда, бунинг учун эса масаланинг ҳамма томонини чуқур ўйлаб, етти ўлчаб бир кесиш керак. Кўп марта айтилганидек, ерни ҳаққий эгасига - ўз даласига меҳр қўйган, деҳқончилик илмининг сир-синоатини, ишининг негизини биладиган, фидойи инсонларга топшириш керак.

ФАРЗАНДЛАР БАХТИ - ҲАЁТИМИЗ МАЗМУНИ

Ўзбек халқи азалдан умрининг мазмунини фарзандлари келажакда, уларнинг камоли, бахту саодатида кўради. Умид билан ўғил-қиз ўстиради, уларнинг

ЭНГ КУЧЛИ ФАХРИЙЛАР ЖАМОАСИ

Тармоқ ҳодимлари касаба уюшма Марказий Кенгаши томонидан жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини ошириш, меҳнаткашлар, айниқса хотин-қизларни спорт билан шуғулланишлари учун қўлай шарт-шaroитлар яратишга муҳим эътибор қаратиб келинмоқда.



Жойлардаги барча тармоқ корхона ва ташкилотларида мунтазам равишда спартакиадалар, турнирлар ташкил этилмоқда. Ўтган йили Наманган вилоятида «Отам, онам ва мен» саломатлик спартакиада-си ўтказилди. Меҳр ва муруват йилига бағишланган ушбу мусобақада 20 дан ортиқ ташкилотлардан 150 нафар спортчи иштирок этди. Фарғона вилоятидаги барча ҳудудий «Газтаъминот» корхоналарида турли спорт майдончалари ташкил этилган бўлиб, ҳар йили апрел-март ойларида вилоят миқёсида волейбол, мини футбол, стол теннис, шашка, шохмат бел-

лашувлари ўтказилади. Шу боис фарғоналиклар республика тармоқ спартакиадаларида муваффақиятли қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаб келишяпти. Шунингдек, Қорақалпоғистондаги «Беруний-Райхон», «Мангит-Текстил», Қашқадарё вилоятидаги «Қаштекс», «Санам» ҳиссадорлик жамиятларида ҳам аёлларни кўпроқ жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш, уларни соғломлаштириш мақсадида Наврўз байрамида спортнинг волейбол, баскетбол, шашка, шохмат турлари бўйича турнирлар ўтказилапти.

Кейинги йилларда жойларда инсонлашган келишув ва жамоа шартномалари қайта кўриб чиқилиб, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга оид қўшимча бандлар киритилмоқда. Масалан, Намангандаги «Намангантекстил», «Атлас», «Нотўқимачи», «Уйчи йиғирув тўқув» ҳиссадорлик жамиятларида, Самарқанд вилоят «Газтаъминот» бошқармаси ва «Коммуңдорнежа» корхоналарида жисмоний тарбия ва спорт ишларини жонлантиришга эътибор кучайди.

(Давоми 2-бетда)



Жиззах шаҳрида қад рoстлаган савдо мажмуаси умумий кўриниши.

Б.НОРКУЛОВ олган суратлар

Меҳр-оқибатлилик, одамийлик халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Ижтимоий ҳимоя давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Шу боис Президентимизнинг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларида Орoлбўйи аҳолисини ёмғирлик билан қоршаб олишга қаратилган чоралар ишлаб чиқилган.

Мўйноқ республика марказидан анча олисда жойлашган, экологик вазират мураккаблашган ҳудудлардан бири. Бу ерда одамларнинг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-интеллектуал ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазаси бўйича кенг қўламли ишлар амалга ошириляпти. Бўлимимиз ташаббуси билан маҳалла ва овулларда яшовчи эхтиёжман оилалар аҳоли пухта ўрганилиб, уларга моддий ёрдам кўрсатиш тадбирла-

ЧЕККА ОВУЛЛАРДА САҲОВАТ ТАДБИРЛАРИ

Инсонга ғамхўрлик, эътибор ва меҳр-муруват фаолиятимиз мезонини ташкил этади. Давлатимиз ажратган маблағлардан ташқари қалбида эзгу ниятлар томтирган ҳомийларнинг қўлайлиги туйғайли савоб ишлар қўламини янада кенгайди. Туманимизнинг ҳудуди кенг, аҳоли яшаш масканлари марказдан олисда жойлашган. Ҳар ойда бир марта овулларга тиббиёт ва потро-наж ҳодимларидан ташкил топган ижтимоий ёрдам гуруҳлари юбориб турилибди. 2700 дан ортиқ пенсионерлар турмуш тарзи, оилавий аҳоли, нафақаларининг ўз вақтида етиб бориши доимий эътиборда. 1600 нафар қария амбулатория, 214 нафари уй шaroитида даволан-ди. 711 нафар отахон ва онахонлар шифохоналарда соғлигини тиклади. Кейсаган чоғида тўшакка ётиб қолган инсон ҳамма меҳрга муҳтож бўлиб яшай-

Ижтимоий ҳимоя

ди. Шуни ҳисобга олиб, 9 нафар қарияга «Қизил Ярим Ой» жамиятининг ҳодимлари бириктирилган. Шафқат ҳамширалари беморларни даволаш билан бирга, уй-рўзгор юмушларини бажаришда ҳам яқиндан ёрдамлашяпти. «Сихат-саломатлик йили» дастурига мувофиқ нафақахўр ва фахрийлар тиббий кўриқдан ўтказилди. 20 киши давлат ҳисобидан бепул дори-дармонлар билан таъминланди. 10 нафарига «Тахият» ва «Товоқсой» сихатгоҳларига имтиёзли йўланмалар берилди. 8 нафарининг уй-жойлари таъмирланди. Нафақахўрларга имтиёзли тўловлар учун 6,5 миллион сўм маблағ ажра-тилди. Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан 500 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 235 минг сўмлик саноат моллари, 300 минг сўм нақд пул тарқатилди. 1 июн халқаро қонларни ҳимоя қилиш кунига кичкинтойларга кийим-кечак ва ўйинчоқлар тақдим этилди. Корхона, ташкилот, муассасалар, тадбиркорлар ҳиммати билан кам таъминланган оилаларга озиқ-овқат, 300 минг сўмлик саноат моллари тарқатилди. Г.ДАУЖАПОВА, Мўйноқ туман ижтимоий таъминот бўлими мудири


РЕСПУБЛИКА КАСАБА УЮШМАЛАРИ СПОРТИ

ЭНГ КУЧЛИ ФАХРИЙЛАР ЖАМОАСИ

(Боши 1-бетда)
Хоразм, Тошкент, Сурхондарё вилоятларининг «Газтаъминот», «Коммундренаж», «Иссиқлик манбаи» корхоналари, «Сурхонтекстиль», «Денов» хиссадорлик жамиятлари, «Корақалпоқгазтаъминот» бошкармаси ва «Иссиқлик манбаи» корхоналарида тузилган жамоа шартномаларидан спорт иншоотлари моддий-техника базасини мустахкамлаш, жиҳозлар сотиб олиш учун маблағ ажратиш каби масалалар ўрин олди.

Бундан 3 йил аввал тармоқ касаба уюшма Марказий Кенгаши қошида Тошкент шаҳар ва бошланғич ташиқлотлар вакилларидан кураш бўйича фахрийлар жамоаси тузилган эди. Жамоа таркибига самбо бўйича ўз вақтида собиқ иттифоқ, Марказий Осиё ва республика миқёсидаги турнирларнинг голиб ва совриндорлари жалб этилди. Уларнинг 3 нафари спорт устаси, 4 нафари усталлик номсодлардир. Тошкент шаҳар кенгаши, «Тошшаҳарўлқуриштиштаъмирлаш», «Сувоқова» корхоналари ҳамда кар-соқовлар жами-

кил этилаётган беллашувларда иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаб келмоқдалар. Жумладан, ўтган йилнинг ноябр ойида Тожикистонда ўтказилган самбо бўйича жаҳон биринчилигида терма жамоа 7 олтин, 5 кумуш, 2 бронза медалига сазовор бўлиб, умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллашди. Унда тармоқ курашчиларимиздан М.Алиев ва Ж.Пирназаровнинг кўнгилдагидек иштирок этгани айниқса эътиборга моликдир. М.Алиев финал учрашувида тожикистонлик халқро тоифадаги спорт устаси Г.Турсуновга имкониятни бой бериб, кумуш



14 ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМҚОН

медал билан қифояланди. Ж.Пирназаров эса бронза медали билан тақдирланди. Миллий кураш бўйича Тошкент шаҳар касаба уюшма жисмоний тарбия ва спорт жамияти томонидан ҳар йили ўтказиладиган анъанавий тармоқларо беллашувларда қатнашган жамоамиз полвонлари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритиб, «Энг кучли жамоа» номинацияси бўйича голиб деб топилди. Шахсий биринчиликда шоҳсупага кўтарилган Г.Писчаров, Т.Гаджиев, Ж.Пирназаров, М.Алиевлар ўз вази ва ёш тоифаларида биринчи бўлишди.

Зайниддин ўРИНБОЕВ, Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший кизмат ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгаши етакчи мутахассиси



миндан ортиқ киши доимий равишда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб этилган. Сўнги беш йилда эса корхона ва ташиқлотларимизда ўтказилган тури спорт мусобақалари, спартакиадalarda 70 мингга яқин тармоқ меҳнаткашларининг иштироки таъминланди.

яти ходимлари бўлган Михаил Алиев, Жаҳонгир Пирназаров, Георгий Писчаров, Валерий Бекетев, Номат Машаев, Тофик Гаджиев сингари фахрий спортчиларимиз ҳафтасига икки мартабда ўтказиладиган машғулотларда қатнашмоқда.

Кувонарлиси, улар республикамизда ҳар йили фахрийлар ўртасида таш-

БЕЛЛАШУВЛАР, ГАЛАБАЛАР, ЧЕМПИОНЛАР

Касаба уюшма спортчилари халқро мусобақаларда юртмиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда. Айниқса, Оксана Чусовитина, Антон Ряхов, Баҳодир Курбонов, Дилшод Орипов, Олим Худойкулов, Равил Нечаев, Беҳзод Хидиров, Дилшод Мансуров, Александр Доктурашвили сингари моҳир спортчилар нуфузли мусобақалар - Олимпиада баҳслари, жаҳон кубоги ва чемпионати, китъа биринчиликлари, Осиё ўйинларида муваффақиятли иштирок эттишмоқда.

Жанубий Корея. Пусан. XIV Осиё ўйинлари. 18 спорт тури бўйича қатнашган касаба уюшма вакиллари бўлган мамлакатимиз спортчилари томонидан жағмарилган 51 та медалнинг 31 таси қўлга киритилди: 9 та олтин, 9 та кумуш ва 13 та бронза. Гимнастикчи Оксана Чусовитина 2 та олтин ва 2 та кумуш, Байдаркачи Антон Ряхов 1 та олтин ва 2 та кумуш медаллар соҳибларига айланди. Шунингдек, Антонина Москалёва, Надежда Пишулина, Юлия Борзова (байдарка ва каноэда эшак эшиш), Равил Нечаев (сузиш), Алексей Чеглаков (юнон-рум кураши), Дилшод Мансуров (эркин кураш)лар кўксини олтин медаллар бевади.

МДХ спортчилари ўртасида I Халқро ўсмирлар ўйинларида енгил атлетикчи Светлана Родзевил кумуш медал билан тақдирланди. Д.Хамрокулов шоҳматчилар ўртасида 4-ўринни эгаллади.

Республика болалар ва ўсмирлар Олимпия захиралари спорт мактаби тарбияланувчиси Антон Ряхов жаҳон кубогининг Германия ва Польшада ўтказилган босқич беллашувларида 2 та олтин, 2 та кумуш, 1 та бронза медалини қўлга киритди. Юлия Борзова эса иккинчи ўринга кўтарилди. Испанияда ўтказилган жаҳон чемпионатида уларга биттадан кумуш ва бронза медаллари насиб этди.

Касаба уюшма спорт мактаби велоспорт бўлими ўқувчиси С.Лагунин Бельгияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида фахрли учинчи ўринни эгаллади. Маскур мактабининг ана бир тарбияланувчиси - Ёш, иқтидорли боксчи С.Раҳматов жаҳон кубоги ва чемпионати баҳсларида қатнашиб, кумуш ҳамда бронза медалларига лойиқ топилди.

2003 йил 16 сентябр. Нью-Йоркдаги «Medisson Square Garden» спорт саройи. Дилшод Мансуров эркин кураш бўйича жаҳон чемпионати баҳсларида 54 килограмм вазнда голибликни қўлга киритди. Терма жамоамиз аъзоси барча рақибларини мағлубиятга учратиб, ёр курсидада тенгсиз эканлигини исботлади. 20 ёшида жаҳон чемпиони бўлган Дилшод Мансуров 2003 йил сўров натижаларига кўра, «Йилнинг энг яхши спортчиси» деб тан олинди.

Вилоят касаба уюшмалари тасарруфида мавжуд бўлган спорт-соғломлаштириш клублари аҳолининг барча қатламларини жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш йўлида талай ишларни амалга ошириб келмоқда. Аҳоли жисмоний тайёргарлиги ва саломатлиги даражасини белгиловчи «Алломиш» ва «Барчиной» тестлари бўйича синов турлари ва меъёрларига катъий амал қилинмоқда.

«АЛЛОМИШ» ВА «БАРЧИНОЙ» ТЕСТЛАРИ

Касаба уюшмалари жисмоний тарбия жамоалари сони 327 бўлиб, шундан 2 таси олий ўқув юртлири қошида, қолган 325 таси меҳнат жамоаларида фаолият юритмоқда. Спорт тўғрисида 2931 нафар, соғломлаштиришга йўналтирилган гуруҳларда 10053 нафар киши саломатлигини тикламоқда.

Мехнаткашлар фарзандларини спортга ошно этиш ва уларнинг маҳоратини ошириш мақсадида жамиятимиз қошида 3 та БЎСМ фаолият юритмоқда. Уларда 40 нафар малакали мураббий ёшларга спорт турларидан сабоқ бериб келади. Натияжалар ҳам чакки эмас. Масалан, 2004 йил самбо бўйича Осиё чемпионатида Н.Давлатова ўз вази тоифасида голибликка эришди. Армрестлинг спорт бўйича жаҳон чемпионатида иштирок этган Ж.Алиакбаров энг кучли эканлигини исботлади. Бокс бўйича спорт устаси Ш.Рўзमतов Ўзбекистон чемпионатида зафар кучди.

С.Абдуллаев, Х.Курбонов, Д.Жуманиёзов, Ж.Бобожонов, А.Оллоберганова, С.Бобожонов сингари спортчилар республика чемпионатларида биринчи ўринни эгалладилар. Ишонимизки, улар ҳали халқро мусобақаларда ҳам ўз имкониятларини тўлиқ намойён этиб, Ватан байрогини юкори кўтардилар.

«Сихат-саломатлик йили» Давлат дастури жисмоний тарбия ва спортга алоҳида эътиборни талаб этади. Зеро, дастурда меҳнат корхоналарида жисмоний тарбия ва спортни кенг оммалаштиришга алоҳида ургу берилган.

Мақсадимиз - жисмоний тарбия ва спортни инсонларнинг кундалик ҳаёт тарзига айлантириш. Зотан спорт - саломатлик гаровидир.

Руслан МАТКАРИМОВ, Хоразм вилояти касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти раиси

ЭНГ ЗАМОНАВИЙ СУЗИШ ҲАВЗАСИ

Сўнги йилларда вилоятимиз касаба уюшма тизимида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Тасарруфимизда 14 та туман, 1 та шаҳар спорт жамияти, 5 та кишлоқ соғломлаштириш спорт мактаби, 5 та ихтисослаштирилган БЎСМ фаолият юритмоқда. 509 та меҳнат жамоасида жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари билан қарийб 180 минг киши шуғулланмоқда.

Кейинги йилларда спорт жамиятимиз моддий-техника базаси мустаҳкамлаб борилди. Бугун 16 та ўйингоҳ, 43 та хар хил спорт майдончалари, 3 та сузиш ҳавзаси мавжуд. Термиз шаҳридаги «Делфин» соғломлаштириш сузиш ҳавзасининг куриб фойдаланишга топширилши соҳа ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилди. Болалар спортини ривожлантириш вилоят жағфармасининг сайё-ҳаракати билан Сариев туманида «Тупаланг», Қизирликда «Қизирлик», Жарқўргонда «Навий» ўйингоҳлари куриблишга туширилди. Айни пайтда мавжуд 5 та БЎСМда 797 нафар ўқувчи спортнинг 8 тури бўйича шуғулланипти. Улар орасидан республика, Осиё ва Жаҳон мусобақаларида ҳам фаол иштирок этиб, чемпионликни қўлга киритганлар бор. Даядорлар Э.Холиқуллов, Ч.Бойма-

тов, самбочилар С.Дўстов, Х.Хасанов, курашчилар Ф.Жулиев, Х.Жураев, Д.Чориев, Ш.Жураев, енгил атлетикчилар С.Ҳамидова, К.Адамбаева, А.Сарокин, ака-ука Павел ва Никита Холодовлар, боксчилар С.Мадтроян, Б.Бурибоевлар натижалари билан алоҳида ҳурматга сазовор бўлишган. Кейинги 5 йил давомида улар 154 та медални қўлга киритди. Жамиятимизда бундан ташқари, бир нафар хизмат кўрсатган спорт устаси, 6 нафар халқро тоифадаги спорт устаси, 26 нафар спорт устаси, 249 нафар биринчи тоифали, 15 минг нафар оммавий спорт разрядига эга спортчи тайёрланди.

Шииоримиз - оммавийлик, соғломлаштириш ва маҳоратни ошириш. Бу йўналишда кўлимиздан келган барча ишни қиламиз.

Рўзи ҲАЕВ, Сурхондарё вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти раиси

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда касаба уюшмалари зиммасига ҳам катта вазифалар юклатилган. Бинобарин, меҳнаткашлар ўртасида оммавийликка эришиш орқали соғломлаштиришни таъминлаш, маҳоратли спортчиларни тарбиялаш касаба уюшмалари фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Мухтарам Президентимиз томонидан жорий йилнинг «Сихат-саломатлик йили» деб эълон қилиниши зиммамизга катта масъулият юклади. Негаки, инсон саломатлиги бош омил қилиб белгиланган «Сихат-саломатлик йили» давлат дастурида жисмоний тарбия ва спортга катта аҳамият берилган. Айниқса, Президентимиз томонидан 1999-2005 йилларга мўлжалланган дастур-режа асосида иш олиб борилмоқда. Меҳнаткашлар ўртасида оммавийликка эришиш мақсадида 5863 та жисмоний тарбия жамоаси ва спорт клуби фаолият кўрсатяпти. Касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жа-



мияти, унинг вилоятлардаги бўлимлари томонидан 1999-2005 йилларга мўлжалланган дастур-режа асосида иш олиб борилмоқда. Меҳнаткашлар ўртасида оммавийликка эришиш мақсадида 5863 та жисмоний тарбия жамоаси ва спорт клуби фаолият кўрсатяпти. Касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жа-

ХАЛҚРО МАЙДОНЛАРДАГИ ЮТУҚЛАР КЎПАЙМОҚДА

ки, меҳнат жамоаларида спорт оммавийлигини юкори босқичга кўтариш, олдинга қўйилган муҳим вазифаларни ижобий ҳал этиш, хар бир жамоада мусобақаларни кенг ва мунтазам ўтказиб бориш туфайлигина мақсадга эришиш мумкин. Шунинг баробарида истеъдодли болалар, ўсмир ва ёшларимизга катта имкониятлар яратиб берилди. Ахир, улар келгусида халқро майдонларда хур ўзбекистонимиз шарафини кўрсатишлари мумкин.

Мамнуният билан таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда спортчиларимиз ўнлаб нуфузли халқро мусобақаларда иштирок этиб, Ватанимиз байрогини сарбаланд этдилар. Халқ ўйинлари қайта тикланди. Ўзида мардлик ва ҳалолликни мўлжаллашган эътибор билан спорт туримиз - ўзбек кураши мутахассислар, мухлислар, халқро ҳамжамият эътирофида сазовор бўлди. Курашимизнинг хар икки тури бўйича жаҳон, китъа ва ошша халқро турнирлар ўтказиб келинмоқда. Албатта, бу улкан ютуқларда касаба уюшма спортчи вакилларининг ҳам катта ҳиссаси борлиги келгусидаги муҳим вазифаларни муваффақият билан адо этиш учун катта куч бағишлайди.

ҳамда Республика хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида Чирчиқ шаҳрида ўтказилган хотин-қизлар спартакиадасида вилоятлардан ташриф буюрган 400 дан ошқ сингиларимиз спортга ошно бўдилар.

Халқро майдонлардаги ютуқларимиз ҳам салмоқли. Мавлукми, ўтган йили бўлиб ўтган Олимпиада ўйинларида дунёнинг 202 мамлакатидан 16 минг нафардан ортиқ спортчи голиблик учун баҳс олиб борди. Кувонарлиси, мамлакатимиз вакилларидан 5 нафари совриндорлар сарфидан жой олди. Айниқса, касаба уюшмалари спорт мактаби вакили Александр Доктурашвилининг юртимизга илк олтин медални туҳфа этгани бизни хушуд этди. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, Афинада фақат 75 мамлакат вакилларигина медаллар олишга эришди. Спортчиларимиз Осиёда еттинчи, МДХ мамлакатлари орасида бешинчи, Марказий Осиёда биринчи бўлилар. Умумий натижа эса 202 мамлакат орасида 34-ўрин. Умуман ўзбек спортчиларининг сўнгиги учта олимпиада ўйинларидаги қатнашувига назар солсак, 1995 йил Атлантада 1 та кумуш, 1 та бронза, 2000 йил Сиднейда 1 та олтин, 1 та кумуш, 2 та бронза медалларини қўлга киритган бўлса, Афинада 2

они Александр Доктурашвили мураббийлари К. Фатхуллин ҳамда Р. Қудратовларнинг ишончини оқлади. Юртимизга Олимпиаданнинг илк олтин медалини туҳфа этди. Александр ҳали Афина сари йўл олмай туриб, журналлар билан мулоқотда «Спортчиларнинг ҳам ўз иримлари бўлади. Улар ўзларига омад келтирган мамлакат ва шаҳарларни ўзга бир меҳр билан севишди. Греция мен учун ҳам шундай кадри. Чунки, 2001 йил шу мамлакатда Европа чемпионлигини қўлга киритганмиз. Худо хоҳласа бу гал ҳам Афинадан голиб бўлиб қайтаман. Бунинг учун куч ва маҳоратим етади» деганди.

Касаба уюшмалари томонидан хар йили қўлаб мусобақалар уюштирилмоқда. Наврўз ва Мустақиллик байрамлари бағишлаб ўтказилаётган оммавий спорт тадбирлари, айниқса зўр уюшқоқлик билан ўтмоқда. Унда иштирок этган меҳнаткашлар маданий ҳордиқ чиқариш билан бирга ўз саломатликларини ҳам мустаҳкамлашмоқда. Мисол учун, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши

ҳамда Республика хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида Чирчиқ шаҳрида ўтказилган хотин-қизлар спартакиадасида вилоятлардан ташриф буюрган 400 дан ошқ сингиларимиз спортга ошно бўдилар.

Баҳодир ТОЖИЕВ, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий Кенгаши раиси

Александр ДОКТУРАШВИЛИ, Юнон-рум кураши бўйича Афина Олимпиадаси голиби, Европа ва Осиё чемпиони

Бугун унинг номи кўпчиликка яхши маълум. Чунки у хар бир спортчи орау қилган энг юксак чўққини забт эта олган иродали ва матонатли спортчидир.

Александр Доктурашвили - 1980 йил 4 майда таваллуд топган. Халқро тоифадаги спорт устаси, Ўзбекистон чемпиони. Ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати совриндори. Европа ва Осиё чемпиони, «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони соҳиби.

Александр Доктурашвили мураббийлари К. Фатхуллин ҳамда Р. Қудратовларнинг ишончини оқлади. Юртимизга Олимпиаданнинг илк олтин медалини туҳфа этди. Александр ҳали Афина сари йўл олмай туриб, журналлар билан мулоқотда «Спортчиларнинг ҳам ўз иримлари бўлади. Улар ўзларига омад келтирган мамлакат ва шаҳарларни ўзга бир меҳр билан севишди. Греция мен учун ҳам шундай кадри. Чунки, 2001 йил шу мамлакатда Европа чемпионлигини қўлга киритганмиз. Худо хоҳласа бу гал ҳам Афинадан голиб бўлиб қайтаман. Бунинг учун куч ва маҳоратим етади» деганди.

Юнон-рум кураши бўйича Афина Олимпиадаси чемпиони Александр ваъдасининг устидан чиқди.

Юлдузларимиз

Дилшод МАНСУРОВ, Эркин кураш бўйича халқро тоифадаги спорт устаси, ёшлар ва катталар ўртасида жаҳон чемпиони, Осиё ўйинлари голиби



Дилшод Мансуров 1983 йил 12 декабр кун Тошкент тумани, Келес шаҳрида таваллуд топган. Мактабининг 2-синфида ўқибтган Дилшод бир кун тасодифан спорт залига кириб қолади. У бу ерда ўтказилаётган машғулотларни кўриб, эркин кураш спорт турини ёқтириб қолади. Унинг биринчи мураббийи Нурлан Жақсаликов боладаги интилишини кўриб, уни машғулотларга тақлиф этди. Чин юракдан қилинган машғулотлар аста-секинлик билан ўз мевасини бера бошлади.

Ўртасидаги жаҳон чемпионатида иккинчи ўринни эгаллади. 2000 йил Франциянинг Кантес шаҳрида кенган мусобақада ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди. 2001 йил эркин кураш бўйича мамлакат терма жамоаси сафига қабул қилинди.

Спорт ҳаётидаги энг катта ютуққа у 2003 йил Нью-Йоркдаги машур «Медиссон Сквер Гарден» спорт саройида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида эришди. 55 килограмм вазнда гиламга тушган ҳамюртимиз барча рақибларини мағлуб этиб, катталар ўртасида ҳам жаҳон чемпиони деган унвонини қўлга киритди. Бу галаба унга Афина Олимпиадаси йўлланмасини берди.

Эндигина 22 бахорни қаршилаган Дилшод кўлаб нуфузли мусобақаларда юрт шарафини муносиб ҳимоя қилиш, Ватан байрогини сарбаланд этиш ўзининг энг катта буричи эканлигини жуда яхши билди.

Антон РЯХОВ, Байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича Сидней ва Афинадаги Олимпиада ўйинлари иштирокчиси, XIII Осиё ўйинлари кумуш медали соҳиби, халқро турнирлар голиби



Антон Ряхов ўн тўрт ёшидан бошлаб спортнинг байдарка ва каноэда эшак эшиш тури билан шуғулланиб келади. Унинг биринчи мураббийи В.Йулдошев. Спортчи кейинчалик касаба уюшмалари тасарруфидаги Республика Олимпия захиралари махсус болалар ва ўсмирлар спорт мактабида маҳоратини оширди. Тинимсиз машғулотлар, мураббийлар ўғити, шунингдек, матонат билан олға интилиш туғйуси уни муваффақиятлар сари етаклади. 1996 йил у мамлакат терма жамоасига қабул қилинди. Орадан бир йил ўтиб Осиё чемпиони бўлди. 1998 йил XIII

Осиё ўйинларида кумуш медал соҳиби бўлди. Илк бора Сидней Олимпиадасида иштирок этган спортчининг омади юртимизда. Лекин кейинги йили у жаҳон кубоги баҳсларининг ўтиш босқичида зафар кучди ва бир неча турнирлар голиби бўлди. Халқро мусобақаларда эришган ютуқлари туфайли 2001 йил мамлакатимиз Президенти Фармони билан «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи» фахрий унвони билан тақдирланди. Бу мукофот унга катта куч бағишлади. Китъа ва жаҳон мусобақаларида кетма-кет зафар кучди. Афина олимпиадасида иштирок этди.


— Бу ютуқларда меҳрибон, шу билан бирга талабчан мураббийларнинг ҳам катта улуши бор, — дейди у. — Чунки уларнинг сабоқлари боис маҳоратли спортчи бўлиб етишимиз, жаҳоннинг ўнлаб мамлакатларида бўлишимиз керакки, қаерда бўлмайин, туғилган ўган ома юртим тисолини топа оламиз. Барча ютуқларимни она Ватанимга бағишлайман!

ГЎЗАЛЛИК БАХШ ЭТИБ

Синхрон сузиш Олимпиада ўйинлари каторида тилга олина бошлаганидан бери унга бўлган муносабат ҳам тубдан ўзгарди. Ўзида гўзаллик ва нафосатни муҳасам этган ушбу спорт тури тобора оммалашиб бормоқда. Кўн-кўк сув устида сув париси каби чиройли ҳаракатлар, мусикага жўр бўлган рақслар спортчидан катта маҳорат талаб этади.

Бу спорт тури билан шуғулланадиган қизлар кундалик машғулотларни анча ёшликдан бошлашлари лозим. Бунинг мисолидан яхши биламан. Ўзбекистон терма жамоаси сафидаги халқро турнирларда, республика чемпионатларидаги ортиртариб тажрибам ёшларга асоси тишини инобатга олиб, тўғра рақиб оқчим. Тўғрагимиз фаолият бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо

ёш қизчалардаги қизиқчи нақадар кучли эканлигини ҳис қилдим. Ваҳоланки, уларнинг аксарияти сузишни ҳам билмасди. Шунинг учун ҳаммасини бошидан бошлашга тўғри келди. Бугунга келиб тўғрагимиз аъзолари сув устида ўзларини «балиқдек» ҳис этишмоқда. Сафимизга қўшилиш истагида бўлганлар сони тобора ортиб бормоқда. Кези келганда, тўғрақ очинида ўз ёрдاملарини айма-



ган касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти рақбарлиги халқро махсус мактаби директори Тама-ра Мамақуловага миннатдорчилик билдираман. Умид қиламанки, келажақда бу тўғрақда шуғулланаётган қизлар орасидан етук спортчилар чиқади. Асл орауим ҳам ўзбек

қизларини жаҳон, китъа ва Олимпиада ўйинларида голиб чиқиб, мустақил юртимиз байрогини баланд кўтарганилигини кўришди.

Луиза ҲИҚМАТОВА, В.Митрофанов номидаги сув ҳавзаси мураббийи

Маъмурият ва касаба уюшма ҳамкорлиги ЮРТ ЭРТАСИ ЁШЛАРГА БОҒЛИҚ

Киска вақт ичида ҳар жабҳада мисли кўрилмаган тараққиётга эришган японияликлардан "Бундай ютуқларни қандай қўлга киритдингизлар?" дег сўрашганларида, "Таълим-тарбия соҳасига берилган юксак эътибор, етук салоҳиятли мутахассис-кадрлар тайёрлаш орқали" деб жавоб беришган экан. Дарҳақиқат, юртининг эртанги кўни, Ватаннинг порлоқ истиқболи кўп жиҳатдан бугун олий ўқув юртли аудиторияларида тахсил олаётган ёшларга боғлиқ.

Мамлакатимизда кейинги йилларда мукаммал олий таълим тизимини шакллантириш, олийгоҳлар моддий базасини мустаҳкамлаш, билимдон ёш кадрлар тайёрлашга катта эътибор қаратилиб, бу йўналишда кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Республикадаги энг нуфузли олий ўқув юртлининг бири саналган университетимизда ҳам маъмурият билан мустаҳкам ҳамкорликда фаолият юритиб, талаба ёшлар етарли даражада билим олиши, келгусида ўз соҳасини чуқур биладиган билимдон мутахассислар бўлиб етишиши учун бор имкониятни ишга соляяпмиз.

Хозирги пайтда олий ўқув юртимизда 7 минг 400 нафардан ортиқ талаба бор. Уларга ўйлаб малакали профессор-ўқитувчилар тахсил беради. Ходимлар ва талабаларга етарли шарт-шароит яратиб бериш, уларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратганмиз. Бунда маъмурият билан имзоланган жамоа шартномаси муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунга кўра ўтган йилги ректорат томонидан 631 нафар ўқитувчи ва ходимга 13 миллион 527 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, фаол, таълим жараёнига янгича ёндошган ижодкор профессор-ўқитувчилардан 467 нафари белгиланган миқдорда доимий равишда рағбатлантириб борилди. Бунда рейтинг усули жуда қўл келди.


Кўп йиллар олийгоҳимизда самарали фаолият юритиб, айни пайтда қарилк гаштини сураётган фахрий ходимларимиз доимий эътиборда. Улар ҳолидан хабар олиб, моддий-маънавий кўмак бераёلمиз. Масалан, ўтган ўқув йилида фахрий ўқитувчиларимизга моддий ёрдам кўрсатиш учун 1 миллион 171 минг сўм сарфланди. Бу йил эса Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан байрам дастурхони ёзилиб, ўнлаб фахрийларимизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди, моддий-маънавий кўмак берилди.

Кам таъминланган оилалар фарзандлари бўлган талаба ёшларни доимий равишда қўллаб-қувватлаб бориш энг муҳим вазифаларимиздан биридир. Муҳими, бу борада маъмурият билан фикримиз уйғун, бамаслаҳат иш олиб бораёلمиз. Шунинг учун ҳам талабаларимиз ректоратнинг, касаба уюшма кўмитасининг беминнат кўмагини яқиндан ҳис қилишяпти. Биргина жорий йилнинг январь-феврал ойларида 377 нафар кам таъминланган талабага 2 миллион 137 минг сўмга яқин моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, онасиз ва ногирон ҳамда оилали талабалар ҳам ана шундай ғамхўрликдан баҳраманд бўлди. Бундан ташқари, 55 нафар фаол, аълочи талабамиз 275 минг сўмлик мукофот пули билан рағбатлантирилди. Яна бир гап. Қарши шаҳридаги хусусий уйларида минг нафардан ортиқ талабаларимиз ижарада яшашди. Уларнинг яшаш шароитлари мунтазам ўрганиб борилиб, ректорат томонидан ҳар ойда ижара пули берилмоқда.

Олийгоҳимизда 14 та факультет, 52 та кафедра, 100 дан зиёд аудитория ва фан кабинетлари мавжуд. Улар етарли даражада жиҳозланган. Кенг ва шинам кутубхонада 532 мингдан ортиқ турли илмий ва бадиий адабиётлар, ўқув қўлланмалари, кундалик газета ва журналлар жамланган. Иккита ўқув зали ҳамма талабалар, тадқиқотчи ёшлар билан гавжум. Компьютер ва тил ўрганиш марказларида эса ёшларимиз назарий билимларини мустаҳкамлашмоқда. Бундан ташқари, замонавий саломатлик маскани, спорт мажмуалари ҳамда ошхоналар ишлаб турибди.

Айни кунларда талабаларимиз битирув имтиҳонларини топширишмоқда. Улар ҳақдаги турли жиҳатларда қизгин фаолиятларини бошлаб юборишди. Аминманки, етарли билим ва салоҳиятга эга ёшларимиз келгусида мамлакатимиз раҳнақига муносиб ҳисса қўшадилар.

Ш.БОБОЖОНОВ,
Қарши Давлат университети бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси



Ўз фаолиятини давр талабига мослаш олисластик Гулистон туманидаги "Киновидео" акциядорлик жамиятини таназзулга олиб келди. Икониқат ундан фойдаланувчиларининг хуш кўради. Аммо акциядорлик жамияти мутасаддилари узок фурсат оромларини бузмасдан келишиди. Хаял ўтмай, давр шитобидан анча ортда қолганлигини пайкагандек бўлишиди ҳам. Лекин чопиб кетаётган отни пийда қувши бейфойда бўлганидек, ғанимат дамларини ортга қайтариб бўлмади. Бир-икки урнинишлар беиз кетгач, тизгинини вақт измига осонгина топшириб қўя қолишиди. Натижанда хайхотдек бини маълум фурсат мусича-ю қалдирғочларга ошён бўлди.

Деҳқонобод даҳасидаги қатор ишбилармонлар қатори Замира Эсиргапова лойихаси маълум, деб топилди. "Киновидео" АЖ биносини инвестиция қилиш шарт билан бепул берилиши тадбиркор аёлни майдонда ўзини синаб кўришга ундади. Бизнес-режасини худудий комиссияга тақдим этди.

Даввоғарлар орасида тадбиркор З.Эсиргапова лойихаси маълум, деб топилди. Деҳқонобод вилоят иқтисодий ночор корхоналари ишлари худудий бошқармаси бошлиғи Орзиқул Мўминов. -Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ корхонани замонавийлаштириш ва зарур техник асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, тўғридан-тўғри инвестиция жалб этиш эвазига бепул берилди. Эътиборли жиҳати шундаки, ишбилармон ўзига билдирилган ишончини оқлашга интиляпти.

Бугун Жиззах вилояти галлазорларида ҳосил пишиб етилди. Жорий йилда 238 минг 100 тонналик галла хирмонини тиклаш йўлида самарали меҳнат қилинди. 106 минг гектар суғориладиган, 70 минг гектар лалми майдонларда мўлжалдаги ҳосил етиштирилди. Арнасой, Мирзачўл, Дўстлик, Зафаробод, Пахтакор туманларида ўрим ниҳоятда уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Айрим фермер хўжаликлари ҳар гектар ердан 50 центнер ва ундан ошириб хирмон уюшмоқда.

Суратларда: галла ўрилайётган пайт. «Кейс» операторлари Фарход Шодиев ва Исроил Есенкуловлар; илғор хайдовчи Баҳром Тоғаев дон ташишда пешкадам.
Б.НОРҚУЛОВ
олган суратлар

ҚИЗИЛҚУМДА ЯНА БИР ЯНГИЛИК
Томди - Навоий вилоятининг Қизилқум чўлида жойлашган йирик туманларидан бири. Унинг бепоеён яйловларида 200 минг бошдан ортиқ қорақўл қўй-қўзилар, туя ва йилқилар боқилмоқда. Чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш эса шу куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Туман ҳокимлиги шуни инобатга олиб, тадбиркор ва ишбилармонлар ҳамкорлигида АҚШнинг «AFLAMAX ENTERPRISES» компанияси билан «Шарк-Қизилқум» қўшма корхонасини ташкил этишга киришди. Умумий лойиха қиймати 150 миллион АҚШ доллариға тенг бўлган қўшма корхонада йил охиригача барча асбоб-ускуналар ўрнатилиб, маҳсулот ишлаб чиқарила бошланади.

Бугуннинг одамлари
каклар сартарошхонаси, видео салон, суратхона ва болалар учун компьютер ўйинлари ташкил этилди. Энг муҳими, анчадан буён одамлар ачиниш билан қараб ўтаётган биниға фойз кирди. Қолаверса, Деҳқонобод кўргони фуқароларидан ўн беш

лади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар савдосини ташкил этишга мўлжалланган фирма дўконини ишга тушириш нияти ҳам йўқ эмас. Фаолиятни жонлантириш ниятида қатор ташкилотлар билан амалий алоқалар боғланган. Туман меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш бўлими шулар жумласига қиради. Ўзаро келишувга мувофиқ талабгор қизларни тикувчилик ва зард-ўлик, сартарошлик касбларига ўқитиш йўлга қўйилди. Бу ерда тахсил олиб, маҳорат оширган аёллар келажакда уйларида ўтириб буюртма асосида иш бажариш имконига эга бўлишди. Айни пайтда илк талабаларнинг уч нафари худди ана шундай буюртмаларни бажариб, муайян даромадга эга бўлишяпти. Туманда ўтказилган меҳнат ярмаркасида Замира Эсиргапова раҳбарлик қилаётган «Бобвот чеварлари» хусусий кичик корхонаси фаол иштирок этди. Уларнинг кўргазмага қўйган маҳсулотлари сифатлилиги, бежиримлиги билан кўпчиликка манзур бўлди.

Н.ШАМСИЕВ,
«Ишонч» муҳбири

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА КЕНГАШИ



Барча соҳа ходимларини касб байрами билан самимий муборакбод этади!

Тошкент вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ва соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма кенгаши ташаббуси билан байрам тадбири ўтказилди. Тадбирда узок йиллар эл соғлиғи йўлида меҳнат қилган илғор тиббиёт ходимларига фахрий ёрликлар, эсдалик совғалари ҳамда кўнгилли хордиқ чиқаришлари учун сиҳатгоҳларга бепул йўлланмалар топширилди.

Кайси соҳага назар ташламанг, инсон бахт-саодат йўлидаги ислохотлар ўзининг амалий натижаларини ёрқин намойён этмоқда. Моддий ёрдам уюштириш, меҳр-мурувват кўрсатиш ва соғломлаштиришдек савобли ишларни амалга оширишда касаба уюшма ташкилотларининг роли бекиёс.

Денов туман таълим имий равишда ғамхўр-ва фан ходимлари касабаси кенгашида ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Кенгаш

ТАҚДИРИН ҚЎЛ БИЛАН ЯРАТУР ИНСОН

режалаштирилган. Соғ танда-соғлом ақл деганидек, яқинда касабаси уюшманинг саъй-ҳаракати билан ўқитувчи ва мураббийларни нафардан зиёд соҳа ходимлари турли хил санаторий ва дам олиш масканларида соғлиқларини тиклашди. Қолаверса, кўп йиллар таълим тизимида ишлаб, уйда тўшақда ётиб қолган олти нафар таълим ходимларининг уйлариға бориб хол-аҳвол сўрашиб, озик-овқат маҳсулоти ва дори-дармон билан доимо мурувват кўрсатишмоқда.

Т. ЖАЛИЛОВ,
«Ишонч» муҳбири

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ

Республикамизнинг ноёб табиий иқлими, маъданли сувлари ва барча даволаш

Қорақалпоғистон Республикасида:
«ГУЛПАРШИН» САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Юрак-қон томир, таянч-ҳаракат, ҳазм аъзолари, асаб тизими, гинекологик касалликлар.
Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниш мумкин



«АЙДОС ҚАЛА» САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Юрак-қон томир, таянч-ҳаракат аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва тери касалликлари



Тошкент шаҳрида:
ОАЖ «ТУРОН» САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Юрак-қон томир, асаб, гинекологик ва андрологик касалликлар



ОАЖ «ЧИНОБОД» САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Ҳазм аъзолари, қандли диабет ва гинекологик касалликлар



Хоразм вилоятида:
«ХОНҚА» САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Юрак-қон томир, асаб тизими, таянч-ҳаракат аъзолари, гинекологик ва тери касалликлари

Тошкент вилоятида:

«БОТАНИКА» САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Юрак-қон томир, асаб (марказий ва периферик) тизими ва ҳазм аъзолари касалликлари. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.



«БЎСТОН» САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Юрак-қон томир, асаб, гинекологик ва андрологик касалликлар



«УМИД ГУЛШАНИ» САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Гинекологик ва андрологик касалликлар



«ОҚТОШ» САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Нафас аъзоларининг силга алоқадор бўлмаган касалликлари. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин

Самарқанд вилоятида:

«АБУ АЛИ ИБН СИНО» САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:

Қон айланиш, таянч-ҳаракат аъзолари, катталар ва болалар асаб тизими касалликлари. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин

2005 йил — Сихат-саломатлик йили



Даволаниш муддати – 18 кун

БИЗНИНГ ЙЎЛЛАНМАЛАРИМИЗ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ЭНГ АРЗОН ЙЎЛЛАНМАЛАРДИР!

КЕНГАШИ ҚОШИДАГИ КУРОРТЛАР БОШҚАРМАСИ

омилларига эга бўлган санаторий ҳамда курорт муассасаларига таклиф этади

Андижон вилоятида:
МЧЖ «МАРҲАМАТ» САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон томир, асаб ва сурункали тери касалликлари

Бухоро шаҳрида:
«СИТОРАИ МОҲИ ХОСА» САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:
Буйрак касалликлари (ёз фаслида), таянч-ҳаракат ва асаб тизими, ҳазм аъзолари ва андрологик касалликлар

Жиззах вилоятида:
«ЗОМИН» САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:
Нафас аъзолари (сил касалликларидан ташқари) ва асаб тизими касалликлари

Фарғона вилоятида:
МЧЖ «ЧИМЁН» САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:
Қон айланиш, таянч-ҳаракат аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва андрологик касалликлар
Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин

Қашқадарё вилоятида:
«ҚАШҚАДАРЁ СОҲИЛИ» САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак қон-томир, асаб тизими, таянч-ҳаракат ва ҳазм аъзолари, гинекологик ва андрологик касалликлар

МЧЖ «МИРОҚИ» САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:
Асаб (марказий ва периферик) тизими ва қон айланиш аъзолари касалликлар
Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин

Наманган вилоятида:
МЧЖ «ЧОРТОҚ» САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:
Қон айланиш, таянч-ҳаракат, ҳазм аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва тери касалликлари.
Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

МЧЖ «КОСОНСОЙ» САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак қон-томир, таянч-ҳаракат, ҳазм аъзолари ва асаб тизими касалликлари

МЧЖ «НИҲОЛ» САНАТОРИЙСИГА

Даволаниш учун кўрсатма:
Таянч-ҳаракат, ҳазм аъзолари, асаб тизими, ўт пуфаги ва буйрак тош касалликлари



Қасаба уюшма ташкилотларига йўлланмалар қўшимча тўловларсиз ўз нархида сотилади. Шу билан бирга курортлар бошқармаси Ўзбекистон ҳудудида жойлашган барча санаторий ва дам олиш масканларига, шунингдек, ҳамдўстлик мамлакатлари курортларига йўлланмалар олишингизда ёрдам беради. Йўлланмаларни нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан олишингиз мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси 24-уй. Мурожаат учун телефонлар 56-85-68, 56-70-97.

